

Mustahkam oila – yurt tayanchi

OILA DAVRASIDA

№ 39 (385)
2019 - yil
19 - sentabr
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.

2019 A ✓ Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK



Қиммат **АВТО**,
КАТТА **УЙ** —
махсус **СОЛИҚ...**

2-бет



ПАЛЬМА ЁФИ
соғлиқ учун хавфли(?)

2-бет

ТЎЙ, МАЪРАКА:

06:00 — 23:00,
200 — 300 киши

3-бет



**«МАВСУМИЙ
ҚАДРЛАШ»**

давлат тилини бузганга
жазо бериладими?

3-бет

НОРАСИДА ҚИЗ

ёхуд сопи чирик
болта

6-бет

**«Тирилтирувчи
ДУЭЛ»**

8-бет



КЕЛАЖАКНИ КАФТИДА ТУТГАНЛАР ҚАДРИ

ЁХУД ШАРАФЛИ КАСБНИНГ
ТУРФА ҚИРРАЛАРИ ҲАҚИДА

4-5-бетлар

«Оила даврасида» газетасига

2020 йил **ОБУНА**
учун

Обуна индекси — 193



бошланди!

«Оила даврасида» — энг
арзон, энг қизиқарли ва
оилангизнинг ҳар бир аъзоси
учун энг фойдали нашр!

«Оила даврасида» бу — ўз фикрингиз,
мулоҳазангиз, муносабатингиз билан
чиқишингиз мумкин бўлган эркин минбар!

ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!



uzkitob.uz

«O'ZDAVKITOB SAVDOTA' MINOTI»

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй
Tel: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

Энг сара
китоблар
ассортименти

КЎҚОН – «ЖАҲОН ХУНАРМАНДЛАРИ ШАҲРИ» ҚАТОРИДА

Ўтган ҳафта 10-15 сентябрь кунлари Кўқон шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро хунармандчилик фестивали арасида шаҳар ҳаётида яна бир муҳим воқеа юз берди. Жаҳон хунармандлар кенгаши томонидан Кўқон шаҳрига «Жаҳон хунармандлари шаҳри» деган юксак унвон берилди.

Эндиликда Кўқон шаҳри дунё хунармандчилик харитасида ҳам муносиб ва мустақкам ўрин эгаллади. Кўқон шаҳри Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида биринчи бўлиб ушбу рўйхатга киритилгани мамлакатимизда халқ амалий санъатини ривожлантиришга қаратилган ишларга халқаро миқёсда берилган катта баҳодир.



Жаҳон хунармандлар кенгашининг Осиё – Тинч океани минтақаси президенти Гада Хижобий Қадумий хоним Кўқон шаҳрига ана шу гувоҳномани тантанали равишда топширди.

ҚИММАТ АВТОМАШИНА ЭГАЛАРИ МАХСУС СОЛИҚҚА ТОРТИЛАДИМИ?

Монополияга қарши курашиш давлат қўмитаси 20 минг доллардан қиммат автомобиль ва 200 квадрат метрдан кам бўлмаган уй сотиб олган ўзбекистонликлардан махсус солиқ ундиришни таклиф қилмоқда. Бу ҳақда Монополияга қарши курашиш давлат қўмитаси томонидан «Давоси оғир касалликлар профилактикаси диагностикаси ва даволаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасида келтирилмоқда, деб ёзади «togi.uz».

Лойиҳада айтилишича, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида онкологик касалликлар ва давоси оғир касалликларга йўлиққанларни даволаш учун бюджетдан ташқари фонд тузиш керак. Бу онкологик ва гематологик клиникаларга ёрдам беради. Касал болалар муаммоларига жамоатчилик эътиборини қаратиш, бегараз кон донорлигини ривожлантиришга қўмаклашиш ва бошқа мақсадлар кўзда тутилмоқда.

Жамғарма спиртли, тамаки ва бошқа зарарли маҳсулотларга янги солиқлар киритиш эвазига молиялаштирилади. Шу билан бирга, тунги клублар фаолиятига ва қиммат автомобиль ва уй сотиб олганларга нисбатан мақсадли солиқ солиш режалаштирилган.

Хусусан, 20 минг доллардан қиммат автотранспорт воситаларини сотиб олганларга 10 баравар базавий ҳисоблаш тартиби (2 млн. 230 минг сўм) миқдоридан солиқ солиш кўзда тутилмоқда. Тошкент шаҳрида 200 метр квадрат майдондан кам бўлмаган кўпқаватли уй ва 500 метр квадратдан кам бўлмаган ҳовили уй сотиб олганларга нисбатан ҳар бир квадрат метри учун 6000 сўмдан солиқ солиш таклиф қилинган. Вилоятларда эса бундай турдаги уй эгаларини ҳар бир квадрат метри учун 3000 сўмдан солиққа тортиш кўзда тутилган.

Тунги клублар эса айланмасидан 5 фоиз солиқ тўлаши мумкин.

ИЧИМЛИК СУВ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Жиззах шаҳри ва 65 та қишлоқдаги 1850,4 километрли ичимлик сув тармоқларининг 1182,9 километри ёки бошқача айтганда, 64 фоиз реконструкцияга мухтож. Президент қарори билан ҳозир 2018-2020 йилларга мўлжалланган 470 миллиард сўмлик «Зарафшон дарёси сувидан фойдаланиш ҳисобига вилоят аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш тизимини яхшилаш» лойиҳаси амалга ошириляпти, дея хабар берди ЎЗА.

Ўтган йили сув олиш иншооти, сув тозалаш станцияси, сув олиш иншоотидан сув тозалаш иншоотигача бўлган 16 километрли сув қувурлари ва тозалаш иншоотидан 20 километрли магистрал сув қувури қурилди. Иншоотда 78

миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

– Ҳозир умумий узунлиги 183 километр бўлган сув тармоғи, сув кўтариш ва тозалаш иншооти, 100 минг метр куб сифимли сув сақлаш иншооти қурилиши тез суръатларда амалга ошириляпти, – дейди «Сув таъминоти ва оқова сув объектилари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» давлат унитар корхонаси Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Мираҳмад Қоратоев.


Лойиҳанинг амалга оширилиши билан Баҳмал, Ғаллаорол, Шароф Рашидов, Пахтакор, Дўстлик, Мирзачўл туманлари ҳамда Жиззах шаҳрида яшовчи 860 минг нафардан зиёд аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланиши кўзда тутилган.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ЯНГИ БИНОЛАРДА

Тошкент вилоятида қисқа вақт оралиғида Давлат хизматлари марказлари томонидан аҳолига қўрсатиляётган хизматлар сони 120 дан ошди, хизматдан фойдаланиш учун мурожаат қилаётган фуқаролар элик баробарга кўпайди, дея хабар бермоқда Давлат хизматлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси матбуот хизмати.

Ҳозир вилоятда 22 та туман ва шаҳар давлат хизматлари марказлари фаолият юритиб келмоқда. Албатта, уларда тезкор, қулай ва сифатли давлат хизматлари қўрсатиш биноларни замонавий, инновацион ғоялар асосида сўнги техникалар билан жиҳозлаш билан боғлиқ.

Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 8 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари ҳузуридаги Давлат хизматлари марказлари биноларининг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қурилишини ташкил этиш тўғрисидаги қарорига асосан, жойларда Халқ қабулхоналари ҳузурида



Давлат хизматлари марказлари бинолари давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қурилмоқда.

Бугунги кунгача вилоятда тўртта марказ биносидан қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борибди, фойдаланишга топширилди. Йил якунигача ташриф буюрувчиларга қулайлик яратиш мақсадида яна ўнга яқин марказ биноси аҳоли ихтиёрига топширилади. Ҳозирда янги биноларни қуришда туман ва шаҳарлардаги маҳаллий тадбиркор-инвесторлар билан ўзаро келишувга эришилиб, қурилиш ишлари қизғин олиб борилмоқда.

ПАЛЬМА ЁҒИ ИНСОН САЛОМАТЛИГИ УЧУН ХАВФЛИМИ? СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ НЕГА БОНГ УРМАЯПТИ?

Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан мамлакатимизга олиб кириляётган пальма ёғи ва унинг асосида ишлаб чиқариляётган озиқ-овқат маҳсулотларининг инсон саломатлигига таъсири юзасидан тегишли давлат органларига маълумотлар сўраб сўровлар юборилди ҳамда ўрганишлар олиб борилди. Бу ўрганишлар депутатларнинг ўз сайловчилари билан учрашувларида, улар қундалик истеъмол қилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг таркибидан трансжёллар, хусусан, пальма ёғи миқдори белгиланган меъридан юқори экани ҳақида эътирозларига сабаб бўлмоқда, дейилади uz.uz чоп этган мақолада.



Таҳлиллар шуни кўрсатадики, охириги уч йилда мамлакатимизга ўртача 50 минг тоннадан ортиқ пальма ёғи импорт қилинган. Бу, ўз навбатида, жорий йилнинг ўтган қисқа даврида пальма ёғи импорти ўтган йилларга нисбатан кескин ўсаётганидан далолат бермоқда.

Масалан, маргарин ва пишлоқ маҳсулотларида ёғ кислоталаридаги трансизомерлар миқдор кўрсаткичи бўйича 4 фоизгача этиб белгиланган бўлса-да, харид қилинган намуналарда уларнинг миқдори 8,8 фоиз, яъни ушбу маҳсулотлар таркибидан бегона ёғларнинг миқдори 2 баробардан юқорилиги қайд этилди. Бу амалдаги «Сут ва сут маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент»да сут маҳсулотлари таркибидан сут ёғларидан ташқари бегона ёғларнинг бўлмаслиги шартига зид

бўлмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳулосасига кўра,

«Пальма ёғи инсон саломатлиги учун хавфлиги тиббиётда аниқланган бўлиб, ҳатто, эркаларнинг бепуштлигини ҳам келтириб чиқариши мумкин экан!»

Шу боис, бугунги кунда Ўзбекистонда амалдаги санитария қоидалари ва меъёрларига асосан болалар озиқ-овқати маҳсулотлари ишлаб чиқарилишида пальма ёғидан фойдаланиш таъқиқланган.

Таъкидлаш жоиз, «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» Давлат дастури ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг парламент олдидagi ҳисоботида мазкур масала Ҳукумат вакиллари олдида қўйилган эди. Депутатлар таклифи бўйича манфаатдор ва-

зирлик ва идоралар вакилларида иборат махсус Ишчи гуруҳи ташкил этилиб, масалани чуқур ўрганиш ва тегишли ҳулосалар чиқаришга келишилди.

Сўнгра, 2019 йил 19 август кунини Вазирлар Маҳкамаси раёсати мажлисининг баёнида Давлат дастурининг ижроси юзасидан импорт қилинаётган пальма ёғининг озиқ-овқат саноатида ишлатиш билан боғлиқ вазиятни ўрганиш бўйича манфаатдор вазирлик ва идораларга вазифалар юклатилиб, тегишли муддатлар белгиланди.

Бироқ, мамлакатимизга кириб келаётган катта миқдордаги пальма ёғи қайси мақсадларда ишлатилиб, уни қандай назорат қилиш тартиби бўйича амалга ошириляётган ишлардан депутатлар ўз вақтида хабардор қилинмаяпти.

Бундан ташқари, Ҳукуматнинг ушбу масала бўйича тасдиқланган чора-тад-

бирлар режасида белгиланган импорт қилинаётган пальма ёғининг озиқ-овқат саноатида ишлатиш билан боғлиқ қонун ҳужжатларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш натижаси бўйича 16 сентябргача деб берилган топширигининг ижроси ҳам номалумлигича қолмоқда. Бундан қимдир манфаат кўраётгани аниқ.

Пальма ёғи — импортми? У валюта ҳисобига олиб келинадими? Нима, унинг ўрнини босувчи маҳсулот ўзимизда йўқми? Буни қайсидир идора ўйлаши керакми-йўқми?

Соғлиқни сақлаш вазирлиги нега бонг урмапти?

Аҳоли соғлиқни сақлаш учун биз бюджетдан катта-катта пул сарфляп-мизми? Пальма ёғи зарарининг олдини олсак, турли хасталиқларнинг олдини олган бўламиз-ку. Пировардида, бюджет маблағлари иқтисод бўлади...

Халқ вакиллари томонидан олиб бориляётган ўрганишлар натижалорлигини таъминлаш мақсадида Ҳукумат бу борада тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг масъулиятини оширишига умид қиламиз.

Қаҳрамон ЭРҒАШЕВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

ОНА ТИЛИНИ МАВСУМИЙ УЛУҒЛАШДАН НЕ НАФ?

ЁХУД ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДАГИ ҚОНУННИ МЕНСИМАГАНЛАРГА ЧОРА КЎРИШ ВАҚТИ КЕЛМАДИМИ?



Хар куни университетга борарканман, автобуснинг кенг ойналаридан атрофни кузатиб кетаман. Қадамда реклама баннерлари, иморатлар пештокига ёзилган сўзларни ўқиб бораман. Йўл устида жойлашган дўкон номлари, гўзаллик салонлари, дорихоналар ва бошқа жой номлари – бирортасини ҳам назардан қолдирмасликка ҳаракат қиламан. Энг ёмони, ҳар гал ўша сўзларга қўзим тушганда хафсалам пир бўлади. «Beauty salon», «Iceberg», «Pink Island», «Flowers market», «Cool kids», «New Collection», «Fashion», «Fast Food»... Кўча юзида жойлашган дўконларнинг аксарияти ажнабий тилда номланган.

Қизиғи, сизда мабодо Англияга, Америкага ёки бошқа давлатларга бориш истаги туғилса, тасаввурни бой қилингу, ўзимизнинг пойтахт кўчалари бўйлаб кичик саёхат уюштиринг. Бу ердаги дўкон ёки овқатланиш жойларининг инглиз, рус (*бъзан француз, итальян тилларини ҳам учратиш мумкин*) сўзлар билан тўлганини, европача услубдан андаза олган қаҳвахоналарни кўриб, ўзингизни нақд хорижий давлатда юргандай ҳис қиласиз. Ўзбекча «исм» олмаган, миллийликдан заррача нишон йўқ бўлган жойларни кўргандан кейин тасаввурнинг ҳам кучли бўлишига ўрин йўқ. Бир ўйлаб кўринг, юртимизда бундай манзарага гувоҳ бўлган сайёҳ бизнинг она тилимиз ўзбек тили эканига ишонадими? Олифтаргарчилик билан қўйилаётган чет элча «исмлар» она тилимиз мавқенинг пасайишига бош сабаб бўлмаётмикан?

Дарҳақиқат, юртимиз кўчалари бугунги кунда «market», «supermarket», «gipermarket», «minimarket»лар билан тўлган. «Дўкон» ёки «бозор» дея ёзилган ёзувни кам ҳолларда учратамиз. Ҳар қадамда учрайдиган бу «market»лар аллақачон сўзла-

шув тилимизга қаттиқ ўрнашиб улгурди.

Албатта, чет тилларини ўрганишимиз, дунёга бўйлашишимиз жудаю зарур. Лекин бу она тилимиз – ўзбек тилига лоқайд муносабатда бўлиб, ўзга бир хорижий тилни кўқларга кўтариш керак, дегани эмас-ку. Биз нима учун инглиз тилида равон гапиришга ҳаракат қиламиз, рус тилида нотўғри талаффуз қилишга уяламиз, ўз она тилимиз шаънига путур етказишдан, ўзбек тилида енгил-елпи, баъзида тушунарсиз сўзлашишдан заррача ор қилмаймиз?!

Эътибор қилганмисиз, она тилимиз мавқеи, уни асраш борасида қачон сўз боради? Бу мавсумий бўлиб, асосан 21 октябрь – Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун муносабати билан фақат ўша кунларда она тилимиз кадрланиши кераклик эсимизга тушиб қолади. Юртимиздаги ҳамма мактаб, коллеж, лицей, институтларда байрам, иншолар танлови, газета, журналларда она тилимиз ҳақидаги мақолалар, ойнаи жаҳонда кўрсатув ва эшиттиришлар роса авж олади. Бошқа пайтлари эса ундай танловни ҳам, кўрсатувни ҳам кундузи

чирок ёқиб топа олмайсиз. Агар бехосдан бирор бир тadbир ёки давра суҳбати ўтказилиб қолса, бошқалар томонидан «Ахир, бугун тил байрами эмас-ку» деган илдоо ҳам кулоқка чалинса, ажабмас. Бу кўзбўямачиликдан кимга фойдаю кимга зарар? Она тилимизни мана шундай «мавсумий кадрлаш» фарзандларимизга, келажак авлодга тилимизни омон-эсон етказиш учун етарлимикан?

Яқин ойлarda тилшунос олимларимиз она тилимизнинг лотин алифбосига асосланган имлосига ўзгартириш киритиш ҳақида таклиф билдиришди. Бу масала кўплаб мухокамаларга сабаб бўлаётганидан хабарингиз бўлса керак. Алифбозимиз, ёзувимизни ўзгартириш, балки керакдир, балки йўқ. Бирок энг асосий вазифа, ёшлар онгидан она тилимизга муҳаббат туйғусини уйғотиш, ўзбек тилида битилган шох асарларни ўқувчилар эътиборига ҳавола қилиш эмасми? Она тилимизнинг кечмиши, унинг тараккиёти учун жонидан кечишга тайёр ота-боболаримиз ҳақида фарзандларимизга кўпроқ сўзлаб бериш вақти келгандир, эҳтимол. Наздимда, олимлар баъзи моддалари бут-

кул амалда бўлмаган «Давлат тили ҳақида»ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, унга амал қилмаганлар учун қатъий чора кўриш ҳақида бош қотиришса, фойдалан холи бўлмади.

Она тилини кадрлаш ҳақида минбарларда шунчаки хўжа-кўрсинга гапирамиз, сўзларимизнинг амалий исботига қизиқиб ҳам кўрмаймиз. «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг қабул қилинганига ўттиз йил тўлди. Бирок бу қонун ижроси билан ҳеч кимнинг иши йўқ, ҳеч бир ташкилот, муассаса иш қоғозларини юритишда ўша қонунга биноан иш кўрмайди. Шундай экан, она тилимиз ҳақидаги қонун ижросини назорат қиладиган бирор ташкилот ёки жамоатчилик гуруҳларини ташкил этниш, керак бўлса қонундаги моддаларга ҳилоф иш тутганларга чора кўриш зарурдир балки. Шунда сафсатабозлик, тadbирбозликлардан узоқлашиб, она тилининг ёззози сари чинакам қадам ташлармиз.

Махфуза ПЎЛАТОВА,
Ўзбекистон Журналистика ва
оммавий коммуникациялар
университети талабаси

Парламент қарори

ЭНДИ ТҶЙ ВА БОШҚА МАРОСИМЛАРИМИЗ ҚАНДАЙ ҶТАДИ?

2019 йил 16 сентябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар халқимизнинг узок йиллик қадриятлари ва аъёнларини ўзида акс эттирган тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тadbирларни ўтказиш масалаларини муҳокама қилдилар, дея хабар берди Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

Таъқидланганидек, жорий йилнинг 14 сентябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг қўшма мажлиси ўтказилди. Унда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш масалалари икки палата аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилиниб, мазкур тadbирларни тар-

тибга солиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг қўшма қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ, тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар фақат бир кун (*дафн этиш маросими бундан мустасно*) соат 06:00 ва 23:00 оралиғида ўтказилади. Худудларнинг шароитларидан келиб чиқиб, халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан ош бериш маросимининг вақти алоҳида белгиланади. Соат 23:00 дан кейин тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни давом эттиришга йўл қўйилмайди.

Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларда 200 нафаргача, мазкур тadbирлар муносабати билан ош бериш маросимида 250 нафаргача киши қатнашади. Қўшалок тўйларда 250 нафаргача, у билан боғлиқ ош бериш маросимида 300 нафаргача киши иштирок этиши мумкин.

Мажлисида таъқидланганидек, дафн этиш ва мотам маросимлари

кўпи билан уч кун мобайнида чекланмаган миқдордаги фуқаролар иштирокида ўтказилиши мумкин, ош бериш маросими бундан мустасно. Миллий аъёнларга ёт, одоб-ахлоқ қоидаларига зид бўлган турли шоуларни, ортиқча вақт ва харажат талаб қиладиган тўйлар, оилавий тантаналардан олдинги, тadbир давомидаги ва ундан кейинги кўшимча расм-русумларни ўтказишга йўл қўйилмайди.

Оилавий тadbирларнинг даббасиз, камхарж ва ихчам, шунингдек, Низом талабларига мувофиқ ўтказилиши учун биринчи навбатда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва ички ишлар органлари профилактика инспекторлари шахсан масъул ҳисобланади.

Мажлисида депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларнинг ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштиришни назарда тутувчи қўшма қарори тасдиқланди.

Ушбу қарор юзасидан депутатлар ўз муносабатини билдирди.

Абдурашид ТЎХТАБОЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзоси:

– Халқимизнинг, сайловчиларнинг айна масала бўйича фикр-мулоҳазаларини тинглаб бордик, уларни қийнаётган масалаларни батафсил ўргандик. Албатта, парламентимиз палаталари Кенгашлари томонидан куни кеча қабул қилинган қўшма қарорга ўз-ўзидан келингани йўқ. Жойларда ўтказилган учрашувларда халқимиз томонидан тўй-тантаналарни ихчам, камхарж ва дабдабадан холи, жамоат тартибини сақлаш бўйича билдирилган фикр-мулоҳазалар, илгари сурилган таклифлар бунда муҳим асос бўлди.

Қозим ТОЖИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ёшлар масалалари бўйича комиссия раиси:

– Мазкур қўшма қарор халқимизнинг миллий урф-одатлари, маънавияти, маданияти, аъёнлари ва қадриятларини ҳурмат қилишга, жамоат тартибини сақлашга, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, оилавий тadbирларни ўтказишда шухратпарастлик, дабдаба ва исрофгарчиликнинг олдини олишга қаратилган билан аҳамиятлидир. Мазкур қўшма қарор халқимизнинг кўнглидаги гап бўлди, деб ўйлайман.

КЕЛАЖАКНИ КАФТИДА

ЁХУД ШАРАФЛИ КАСБНИНГ

» Бугунги кунда ўқитувчилар ва уларнинг муаммолари анча баҳсалаб мавзуга айланиб қолди. Таълим тизими, жумладан ўқитувчилар фаолияти билан боғлиқ фикрлар, танқидлар, таклифлар тинмаяпти. Аммо муаммоларга ечим топиш, таклифларни ўрганиш ва уларни саралаб ҳаётга татбиқ этишга соҳа мутасаддилари етарлича эътибор қаратаётими – ҳамма гап мана шунда. Жамиятдаги энг шарафли касб эгалари – муаллимларнинг фикрларини тинглаб эканман, ҳозирги кунда устозларга бўлаётган муносабат, айрим «ўқитувчи»ларнинг касбига қилаётган хиёнати кишини ўйлантириб қўяди.



Бир таманинг минг бир касри

Хужжатларимни унутиб қолдирганим учун уйга қайтишимга тўғри келди. Уйдан чиқишим билан эшикнинг каршида турган кизимга кўзим тушди. Шу пайтда мактабда, дарсда бўлиши кераклиги сабаб «Гинчликми?» деб сўрадим. У эса бироз каловланиб «Агар мактабга бормайман, ўқитувчимга ҳеч нима демаяман, дея ваъда берсангиз айтаман», деди. Ваъдамни олгач, кизимнинг айтишича, биология фани ўқитувчиси чорак якунида баҳоси кам бўлган ёки баҳосини ўзгартирмоқчи бўлган болаларни савол-жавоб қилишини айтибди. Буни қарангки, саволларга жавоб беришга ҳаракат қилаётган ўқувчиларни атайдан чалғитиб, «Яхши жавоб бера олмадинг, сен ҳозир дўконга чиқиб мен айтган нарсани олиб келсанг, яхши баҳо қўйиб бераман», дебди. Қизимнинг кундалик харажатлари учун берилган пулларидан тежаб жамғарадиган одати бор эди. Тўплаб қўйган пулларидан оламан, деган ўйда уйга шошибди.

Фарзандимга берган ваъдамни бузгим, ишончига путур етказгим келмади. Шу сабаб мактабга бормадим. Аммо ўқитувчига муносиб жавоб қайтаришни кизимнинг ўзига қўйиб бердим. «Мактабга бориб, ўқитувчинга айт, билимингни неччига лойиқ деб топса, шу баҳони кўйсин. Агар сенга ёмон баҳо қўйса ҳам хафа бўлмайман», дедим. Қизимни мактабга юбордим ўқитувчининг бу хатти-харақати юрагимни қаттиқ ларзага солди. Ҳали булар бор-йўғи 7-синф-ку?! Уч-тўрт сўм пул майли, аммо бу болаларни пора беришга, ёлғонга, илмсизликка даъват этиш эмасми? Бир ўқитувчининг бу харақати эртага минг бир тамагирик уруғини ундирмайдими? Кейин билдимки, кизимнинг синфдошларининг кўпчилиги ўқитувчиси айтган нарсаларни олиб келиб осонгина баҳосини олибди...

Ишдан қайтаётсам, кўшим ўғлини етаклаганича шошиб қаеридан кетяпти. Айтишича, ўғли «Ўқитувчимга совға олишимиз керак», деб ишдан чарчаб келган онасининг холи-жонига қўймай кўчага

олиб чиқибди: «Эртага синф раҳбарининг туғилган кунин экан. Ўқитувчиси бугун дарс давомида «Эртага мени туғилган куним» деб қайта-қайта такрорлабди. Ҳамма синфдошларим совға олиб борса, ўқитувчим уларга яхши гапирди, мен ажралиб қоламани, деди ўғлим. Тавба, ўн бир йил мактабда ўқиб, ўқитувчиларимнинг туғилган кунлари қачонлигини билмаган эканман», деб ҳайрон бўлиб гапирган кўшим кеч тушганига қарамай дўкон томон шошиб кетди.

Бир вақтлар қизига ўқитувчи бўлсанг, байрамларда совғаларга «кўмилиб» кетасан деб, маслаҳат бераётган онани кўрганамда роса ажабланган эдим. Демак, мактабларда ушбу касбга меҳри борлиги туфайли эмас, байрамлару тадбирларда совға оламан, деган илинжда адашган «ўқитувчи» бўлиб қолганлар ҳам бор экан-да!

Гуруч курмасиз бўлмаганидек, бу айрим мактабларда таълим бераётган айрим ўқитувчиларини ахволи холос. Аммо юқорида таъкидлаганимиздек тамагирик иллатининг заррача бўлса-да мактабларда, ўқитувчи ва ўқувчи орасида қўриқини тараққий этган жамият қуришдек орзуларимизни тумандек тарқатиб юбориши шубҳасиз.

Айнан ана шундай ўқитувчилар устоз номига доғ тушириб, уларнинг касрига фидойи муаллимлар номи ёмонлик қилинмоқда. Наҳотки мактаб директорлари қўл остидаги ўқитувчиларнинг қилаётган ишларидан беҳабар бўлса?! Шундай пайтларда маърифатпарвар аллома Абдулла Авлонийнинг «Тарбия берувчининг ўзи, аввало, тарбияланган бўлиши керак», деган сўзлари нақадар ҳақ эканига яна бир қарра амин бўлади киши.

Ўқитувчига аввало тинчлик керак

«Ўқитувчиларга вазифасидан ташқари буюриладиган ишлар хали ҳам жуда кўп. Биз маҳалла ва кўчалар оралаб, уйма-уй юриб аҳолининг коммунал тўловлардан

қардорликларини аниқлаш ва уларга тўловларни ўз вақтида тўлашлари лозимлиги ҳақида тушунтириш ишларини олиб борамиз. Бу ишлар бизнинг вазифамизга кирмайди-ку, деган эътирозларимизга мактаб раҳбарлари аҳамият ҳам беришмайди. Бундан ташқари режа, дастур, ҳисоботларнинг охири йўқ...», дейди тахририятимизга қўнғироқ қилган ўқитувчилардан бири. Хўш, бундай аҳволда ўқитувчи қачон ва қандай дарс беради?

Яна бир мисол: сайлов ўтказилади-ган йиллар сайлов участкалари асосан мактабларда ташкил этилади. Табиийки, сайлов участкасининг ранси, аъзолари одатда мактаб ўқитувчиларидан тайинланади. Бунда ўз-ўзидан ташкилий ишларнинг асосий оғирлиги муаллимлар зиммасига тушади. «Сайлов пайтида мактабимиздаги 20 нафар ўқитувчидан 12 таси ташкилий ишларга жалб қилинса, қолган 8 нафар бир соат давомида биратўла 3-4 та синфга дарс ўтишига тўғри келади», дейди ўқитувчилардан бири. Энди ўша пайтдаги болаларга берилаётган дарс сифатини тасаввур қилаверинг. Ортиқча ташкилий ишлар билан банд қилинаётган аёл ўқитувчиларнинг уйига кеч қайтиши туфайли оиласида юзага келаётган уруш-жанжалларни-ку гапирмаса ҳам бўлади. Ҳатто турмуш ўртоғи: «Мактабда ишламайсан, бўлмаса ажрашамиз», дея шарт қўяётганлари ҳам бор.

Шу ўринда савол туғилади. Наҳотки мутасаддилар муаллимларни дарс бериш жараёнидан чалғитмаслик йўларини топа олишмаса? Нега биз барча юкни ўқитувчилар зиммасига юклашга ўрганиб қолганмиз? Хорижда яшаётган юртдошларимиз билан суҳбатлашганимда, улар мактаб ўқитувчилари болаларга таълим беришдан бошқа ишларга умуман жалб қилинмайди, дея таъкидлашади. Нега биз ўқитувчиларга шундай имкониятни яратиб бера олмаймиз?!

Тўғри, сўнгги бир-икки йилда муаллимларимиз анча-мунча ишлардан озод этилди. Бирок «ўрганган кўнғил»ли ҳокимият вакиллари ҳамон учраяп-

тида. Ҳар сафар мактабда ота-оналар мажлисларида қатнашганимда директор «Нима муаммонгиз бўлса менга, ўринбосаримга мурожаат қилинг. Ахир юртимизда ҳал қилиниши керак бўлган катта-катта муаммолар етарли. Мактаб ичидаги кичик кўнғилсизликларни биргаликда, аҳилликда ўзимиз ҳал қилайлик», дея ялинади. Таассуфки, охириги пайтларда фарзанди синфдоши билан уришиб қолсаям Президент виртуал қабулхонасига мурожаат қилишни одат қилган шикоятчи ота-оналар кўпайди. Бугун бир шикоят хати борса, ўша мактаб ўқитувчилари қанчалик дарсдан чалғиб, мурожаатни «ёпиш» билан шуғулланишини наҳотки улар билишмаса?! Текшир-текширларнинг ҳаммаси, тўғриси айтганда, ўқитувчиларни бездириб қўйган. Буларнинг барчаси таълим сифатини пайсаятирмақда холос.

Ўқитувчилар ҳақида гап кетганда аввало уларнинг ойлик маошини кўтариш лозимлиги таъкидланади. Шунини эътиборга олиш лозимки, муаллимларга, айниқса, фидойи муаллимларга биринчи ўринда тинчлик керак. Қоғозбозлик ва тадбирбозликдан холи, тинчгина дарс ўтиши имкониятини яратиб бериш лозим.

Сир эмаски, кўпгина билимли ўқитувчилар мактабдаги ортиқча зўриқишлардан чарчаб, ишдан бўшаётми, хусусий тайёрлов курсларига ўтиб кетяпти. Ҳеч бўлмаса уйда болаларга қўшимча пулли дарс бермоқда.

Балки мактабларда ўткир билимли ўқитувчилар қамайиб бораётганининг сабаби шунга ҳам боғлиқдир. Балки шунинг учун фарзандларимиз фақат мактабда олган билим билан олий ўқув юртига кира олмаётгандир...

Биз тахририят ходимлари билан тез-тез мактаб тадбирларида иштирок этамиз. Ўтган йил Тошкент шарҳидаги бир мактабдаги ҳолат мени ҳайрон қолдирди. Мактабнинг таъмири ўзига яраша, бир аҳволга келиб қолган. Аммо мактабга қираверишда икки-учта хона алоҳида таъмирлаб қўйилган ва чиройли безатилган. Аввалига таъмир шу

ЎТТАНЛАР ҚАДРИ

ТУРФА ҚИРРАЛАРИ ҲАҚИДА

томондан бошланган бўлса керак, деб ўйладим. Кейин билсам, бу ерга туман хокими маълум кунлари аҳоли ўртасидаги шикоятларни ўрганиб, уларни қабул қилиш учун ўзига обдан шароит яратиб олган экан. Ўқитувчилар кулфланган хонани очиб кўрсатишди. Хайратимни кўрган ўқитувчи, «Ярим йилдан буён бу хонага ҳоким бирор марта кирмади, бу хашамдор хона ҳали бирор кишининг муаммосини ҳал этганича ҳам йўқ. Қувонадиган томонимиз, шу хона баҳона бизга ҳам бир нечта янги стуллар беришди», дейди.

Бу кўзбўямачилик кимга керак? Назаримда, ҳокимларни мактабларга нафақат дарс ўтишлари, балки, ўқувчилар билан бирга ўтириб дарс тинглашлари учун ҳам ҳар замонда чақириб туриш керак. Уларни 40-45 ўқувчидан иборат синфхоналарга олиб кириб, «Қани, шу ахволда 45 дақиқа дарсни тинглаб, кўлингиз қўлингизга тегиб, туртиниб, доскага ёзилган мавзуну бир кўчириб кўринг-чи», дейиш керак. Ҳар сафар мактабларга борганимда ўқувчи сони кўпчилигидан бир студиа икки ўқувчининг тикилишиб, зўрга ўтирганини кўриб раҳмим келди. Айнан шу сабаб қанчадан-қанча болалар мактабга боришни истамаслигини ҳам, бу шароитда болалар икки қарра чарчаш ҳам кундай равшан. Лекин нега бу ҳолга нисбатан мутасадди раҳбарлар кулоқларини қар, кўзларини кўр қилиб олишганига ҳалигача ҳайронман. Таълим сифатини яхшилаш биринчи вазифа экан, бир синфда ўқувчи сонини 20-25 тадан ошираслиқ кераклигини англаш учун олим бўлиш шарт эмас.

Билимга мактаб жавобгар, тарбияга-чи?

Илгарироқ бир мақола тайёрлаш ниятида филология фанлари номзоди, фольклоршунос олим, раҳматли устоз Омонулла Мадаевнинг хонадонларига борганимда суҳбат якунида бир воқеани айтиб берган эдилар:

«Бир куни набирамни олиб келиш учун мактабга бордим. Ҳали дарс тугамаган экан. Бирпас кутиб турдим. Синф эшиги очик экан. Не кўз билан кўрайки ўқитувчи полковнич (*шавбра*)ни столга уриб болаларни тинчлантиришга уринаяпти. Шунча йиллик педагогик тажрибамда бундай ҳолга дуч келмаган эдим. Тўғриси, жудаям хайрон қолдим. Мен бундай ҳолларда болаларни умуман айблай олмайман. Сабаби боланинг зехни ўткир. Ўқитувчининг ўтган бир-икки дарсиданок билими қай даражада эканини дарров фаҳмлайди. Ўз билимига ишонган, ҳар бир маълумотни асослаб айтётган, жиддий ўқитувчини ҳар қандай ўқувчи истаса-истамаса ҳурмат қилишга, тинглашга мажбур бўлади. Ўқувчиларни тинчлантира олмайпими, демак, муаммо ўқитувчининг ўзида...»

Нақадар ҳақ гап. Тан олиб айтиш керакки, мактабларда билими ўткир ўқитувчилардан кўра, тили ўткир, дарсни эплаб ўтолмаслигини тан олмай, ўзини оқлаш учун мингта баҳонани қалаштириб ташлайдиган «муаллим»лар кўпаймоқда.

Ота-оналар мажлисида қирқ ўқувчидан бор йўғи 20 ёки 22 нафарининг отаси ёки онаси қатнашади.

Ўқитувчи айрим болаларнинг фанларини яхши ўзлаштира олмаётгани, дарсларга мунтазам қатнашмаётгани ҳақида куйиб-пишиб гапирарди, унга жавобан айрим оналар эътибор бермай, аллакимининг тўйига ёки «гап»га боргани ҳақида гаплашиб ўтирди. Оналарнинг аҳволи шундай бўлганидан кейин болаларидан нимани кутиш мумкин?! Агар эртага кутилмаганда боласи биров билан ёқалашиб боши ёрилса, қизи ҳақида бирор «гап» чиқса биринчи навобатда ўқитувчини айблаши аниқ: «Нега қарамадингиз?...»

Етти ўлчамасдан чиқарилган қарорлар

Тахририятимизга Самарқанд вилоятидан келган бир ўқитувчи баъзи фикрларини айтиб қолди: «Аваллари мукофотга номзоди кўйилган ўқитувчиларнинг дарс ўтаётган синфларига кириб, у таълим бераётган ўқувчиларнинг билими ва ахлоқи синовдан ўтказилган. Ҳар томонлама намунали деб топилган ўқитувчигина давлат мукофоти билан тақдирланган. Аммо ҳозир бу тартиб бутунлай ўзгариб кетди. Ўқитувчининг биргина ўқувчиси фан олимпиадасида голиб бўлиши ҳаммасини ҳал этар экан. Афсуски, фан олимпиадалари қай тарзда ўтказилаётгани ҳам бизга қоронгу. Айниқса, танлов шартларида ўқитувчиларнинг ижтимоий тармоқдаги шахсий саҳифаси орқали кўп «лайк» бўлаши лозимлиги ва ўша «лайк»лар сонига қараб хулоса қилиниши эса жуда кулгили ҳолат эмасми? Мен бир қишлоқ ўқитувчисман, 33 йилдан буён шу касбим орқали ҳалол нон топиб, оиламни боқаман. Ҳафтасига 3 кун чирок бўлса, 4 кун чироксиз яшаймиш. Қўлимда оддий телефон. Ижтимоий тармоқларга киришга вақтим ҳам, шароитим ҳам йўқ. Имкон топдим дегунимча ўқувчиларим билан кўпроқ шугулланаман.

Яна бир гап. Нафақага чиққан ўқитувчиларни мактабга қайтариш, уларнинг тажрибаларидан фойдаланиш ҳақидаги фикр ҳам ҳамма жойда ўзини оқлаётгани йўқ.

Ёш муаллимлар ва ўқувчиларга ўз тажрибасидан келиб чиқиб сидқидилдан маслаҳат ва таълим бераётган устозлар қаторида соғлиғи, jisмоний ҳолати дарс ўтиш талабларига жавоб бера олмас-да, ҳам нафақа пулини, ҳам ойлик маошини тўлиқ олиш илминҷида, ўзини зўрлаб кўпроқ дарс соатлари олиб, мактабга вақтини ўтказиш учун келиб кетаётган устозлар ҳам талайгина.

Уларни ишдан бўшатишга эса ҳеч кимнинг журъати етмайди. Албатта, мактабларда ўқитувчилар сони етишмаслиги ҳаммамизга маълум. Аммо гап фарзандларимиз келажаги ҳақида кетаётган экан, бу масалани жиддий ўйлаб кўриш зарур назаримда.

Сўнгги вақтларда таълим тизими билан боғлиқ янги-янги қарорлар чиқаяпти. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам мавриди ва зарурлиги билан ўзини оқлаётими? Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 августда «Давлат умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини

замонавий ягона мактаб формаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 666-сонли қарори анча муҳокама қилинди. Қарор тасдиқлангач, кўплаб тадбиркорлар мактаб формаларини ишлаб чиқаришни ҳам бошлаб юборишди. Орадан кўп ўтмай, мактаб формасини жорий қилиш масаласи 2024-2025 йилга чекиктирилди. Бу ёғи эса ўзингизга маълум...

Куни кеча вилоят хотин-қизлар кўмитаси иш фаолияти билан танишиш мақсадида кўмита ходимларининг бир кунлик иш жараёнини кузатдим. Аҳоли ўртасидаги турли низолар, оилавий келишмовчиликлар, ажримлар етмаганидек, мактаб директорлари ва ўқитувчилар орасидаги ўзаро жумбоқли вазиятларни ҳал этаётганлигининг гувоҳи бўлдим. Масалан, кўрилаётган мазкур ҳолатни олайлик: соғлиғини тиклаш важдан маълум муддат ишдан бўшаган ўқитувчи қайта ишга кирмоқчи. Аммо директор «Сиз олий маълумотга эга эмассиз» деб уни қайта ишга олишдан бош тортаяпти. Мавзу ўта баҳсталаб. Сабаби Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йил 30 июлдаги 14/1-4141-рақам билан тасдиқланган «Умумтаълим мактабларида фаолият юритаётган ўрта махсус маълумотли кадрлар ўрнини босқичма-босқич олий маълумотли педагог кадрлар билан тўлдирishга қаратилган комплекс чора-тадбирлар Дастури»да ўрта махсус маълумотли ўқитувчиларни олий таълим муассасаларининг қундузги, кечки ва сиртки йўналишларида ўқишга йўналтириш, 2030 йилдан (*этибор беринг!*) бошлаб умумтаълим мактабларида фақат олий маълумотли педагоглар фаолият юртишига эришиш кўзда тутилган.

Ҳўш, 23 йил давомида бир мактабда меҳнат фанидан дарс бериб келаётган олий маълумоти бўлмаган муаллима бу вазиятда нима қилиши керак? Сиртки таълим асосида олий маълумотга эга бўлишсин, дейишингиз мумкин. Лекин масаланинг иқтисодий томони-чи? Муаллима фарзандлари катта бўлиб қолганини, катта ўғли олий ўқув юртида контракт асосида таълим олаётгани, ўзи эса сиртки бўлимда ўқиш учун тўланадиган контракт пулини тўлай олмаслигини айтса-чи? Нега энди бир инсоннинг моддий имконияти етмагани учун уни сеvimли касбидан ажратишимиз керак? Наҳотки унинг неча йиллик фидойиллигига жавобимиз шу бўлса? Биз дипломли ёки дипломсиз деб ажратиш ўрнига, билимли ёки билимсиз ўқитувчиларни саралаб, уларнинг болаларга сидқидилдан таълим бериши учун тўғри йўналтиришимиз керак эмасми?! Тўғри, диплом керак. Лекин мактабларда олий маълумотли бўла туриб, хаттоки ўз-бек алифбосида нечта харф, нечта белги борлигини билмайдиган ўқитувчилар ҳам йўқ эмас.

Назаримда ҳақиқий заҳматқаш устозларни ҳам олий маълумотга йўналтиришнинг енглироқ ва содда йўлини топиш – энг маъқул йўл бўлса керак.

Ҳа, бугун ўқитувчилар ҳаётида, таълим тизимимизда муаммолар шу қадар кўпки, ёзаверсак битта катта китоб бўлиши ҳеч гап эмас. Шу китобнинг «кичкинагина боби»ни шу ерда якунлаб тура

қолай деганимда телефоним жиринглаб қолди. Гўшакни кўтарсам қизимнинг синф раҳбари. Худди бирор нимага улгура олмаётгандек шошиб гапирарди:

– Ота-оналар ҳақидаги айрим маълумотлар тўлиқ эмас экан. Бошидан бошлаб яна тўлдириб чиқаямман. Шу десангиз кундан-кунга чиқаётган «янгиликлар» биз ўқитувчиларни шошириб қўймоқда. Энди электрон журнал асосида ишлар эканмиз. Ўқувчиларга баҳолар ёзма журналда эмас, балки компьютер орқали кўйилади ва ота-оналар фарзандлари олаётган баҳоларни онлайн кузатиб боришар экан. Муаммо шундаки, бундай тизимга ҳали мактаблар ҳам, ўқитувчилар ҳам тайёр эмас. Электрон журнал учун ҳар бир ўқитувчига ноутбук ёки планшет, интернет пакетлари керак бўлади. Мактабимизда кўпчилик ўқитувчилар ўртаҳол оиладан. Қўлида оддий телефон тутиб юрганлари ҳам талайгина. Улар қандай қилиб ноутбук ёки планшет сотиб олади? Ойлик интернет учун сарфланадиган пулни қаердан олади?!

Қизиқ, энди ўқитувчилар дарс бўйи болаларга эмас, планшетга термулиб ўтирса-я! Бу «янгилик»ни Тошкент шаҳридаги мактаблар қабул қила олмайпти, энди вилоят, туман, қишлоқ мактабларини гапирмасак ҳам бўлаверади...

Ўқитувчилардан талаб қилинаётган ишлар жуда кўп. Аммо уларнинг қай бири фарзандларимиз келажаги учун зарурроқ эканини мутасаддилар жиддий ўйлаб кўришса айни мудоао бўлар эди.

...Мактабда ўқиб юрган чоғларимни ёдга олсам, аввало кўз ўнгимда синф раҳбарим – она тили ва адабиёт фани ўқитувчимиз келди. Биз ўқувчиларнинг кетма-кет берадиган саволларимизга аниқ ва лўнда қилиб жавоб берадиган, дарс бошлашдан олдин баҳру байт мусобақаси ўтказиб, бутун синфни жонлантириб юборадиган бу муаллимнинг сабоқларини интизорлик билан кутардик. Шу фан учун махсус тайёрланардик. Шунинг учун бўлса керак, устозимнинг ўзи ҳам, қўяётган ҳар бир баҳоси ҳам ўқувчилар учун қадрли эди.

Ҳар гал Қаршига борганимда, албатта, устозимни ҳам йўқлайман. Зиё таралаётган юзларига қараб, маслаҳатларини эшитиб тўймайман. Бир сафар боламнинг тоби қочгани сабабли ўқувчимни кўргани бора олмадим. Тошкент томон йўл олар эканман, ичимда фақат, «Яна қайта кўришни насиб этгунча устозимнинг жонини омон сақла, Худойим!», деб пичирлардим. Ҳар сафар мени бағрига босганида ўқитувчим ҳам шу сўзларни такрорлашдан чарчамасди. Кейин ўйлаб қоламан. Бу қандай туйғуки, гарчи оилам аъзоси бўлмас-да ўқитувчимни йўқотишдан шунчалик қўрқаман?! Кейин ишонч билан саволимга жавоб тошаман. Бу ҳеч қандай тамасиз йиллаб машаққат ва заҳмат, чексиз фидойилигу хокисорлик билан эришилган меҳр-муҳаббат. Бу юракнинг туб-тубигача жойлашган, йиллар ўтса-да ўз кучини йўқотмайдиган, тушунтириб бўлмас туйғу... Мен ўқитувчи, муаллим, мураббий, устоз деганимда кўз ўнгимда шундай туйғулар намоён бўлаверади.

Нилуфар ЖАББОРОВА,
журналист

Абди отанинг тиши оғриб қолди-ю, кўзларидан уйку қочди. Гилам устига ташланган кир ўрнида ётар экан, бирданига пастки жағи симиллашга тушди. «Ўтиб кетар» деб ётаверди. Ўзи ҳар доим шундай бўлади: ота бирон ери оғриси бепарволик билан сабр қилади. Дард ўлгур ҳам бир неча кун синагач уни «қўйиб юборарди». Аммо бу сафар ундай бўлмади. Оғрик орта берди. Ота ҳар нима қилиб кўрди: саримсоқ босди, шўр сувга чайди – бўлмади. Симиллаб азоб бераётган тиши баттар бўлди. Энди у ловуллаб қийнай бошлади. Аксига олиб дори ҳам йўқ... Отанинг кўз олди бир муддат қоронғулашди. Хуши учиб, сандик ёнига ўтириб қолди. Алам билан жағини шундай босдики, жон-пони чиқиб додлаб юборди. Сўнг нариги хонада ётган набирасини инграб чақирди.

мактабдан келди дегунча далага чопди. Абди отага қарашди. Баъзан отанинг кексалик дарди тутиб, ишдан тўхтаб қолса, ўрнига у давом эттирди. Хуллас, ўқишга кириш ҳақида бошқа ўйламади: орзуларини қалбига кўмиб, аламини ишдан ола бошлади. Бу орада уйларига совчилар оралади. Бирок узатишга набирасидан бўлак ҳеч вақоси бўлмаган Абди отанинг шароитини кўргач, бу уйдан совчининг қадами узилди...

Эрта тонгдан кўзларини очар экан, отанинг қовоқлари оғриб, юмилиб кетаверди. Кечаси билан азоб берган тиши ўлгур ҳамон оғришда давом этар, фақат бирозгина оғриғи қамайгандек эди. Ота кизариб кетган кўзларини муздек сувда ювгач, нонушта қилиш учун ошхонага кирди. Қирди-ю, ҳар қулик нонуштадан асар ҳам йўқлигини кўргач, хайратга тушди. Кейин набирасини излаб хонасининг эшигини тақиллатди. Жавоб бўлмагач, ҳаммаёқни қараб чиқди. Аммо Мўбинани топа олмади. Ҳали



«Ташаббуҳ»

– Мўби-и-и!! Ох қизим-а, Мўби деяпман! Қизини-и-и-и...

Жавоб бўлмади. Қуни билан далада қора терга ботиб ишлаган набираси аллақачон уйкуга кетиб бўлган, ярим тунда отадан хабар оладиган одати йўқ эди унинг. Боя оғрик бошланганида набирасини уринтиргиси келмаганди. Ота билади: Мўбинага ҳам қийин. Қун бўйи офтоб тагида арзимаган пулни деб ишлайди, ўт ўради, чарчаб келиб ош-овқатга, кир-чирга қарайди. Бирон кун оёғини чўзиб дам олганини ота эсломайди. Баъзан бу етим набирасининг дардларига қалқон бўла олмаганидан ўзини кечиролмайди. Шу сабаб отанинг юрагини бир нима оғригади, қийнайди. Бу оғрик шу қадар кучли, шу қадар аламлик, унинг олдида мана бунақанги тиш оғриқлари арзимангандек туюлади...

Тақдирда шу ёзилганми Мўбина уч йил ўқишга қира олмади. Йўқ, у мактабда яхши ўқирди. Аълога битирганди. Ҳамма ҳавас билан қарарди унга. Бирок бошқа тенгдошлари сингари шаҳарга – қўшимча тайёрлов курсларига қатнамади. Зўрға қайнаб турган қозоннинг ўчиб қолмаслиги учун ҳам

хўроз қичқирмасиданоқ далага борадиган одати йўқ эди. Ҳеч бўлмаса ул-бул тайёрлаб, отани албатта уйғотиб кетарди. Ё Тирриқов деганлари вақтлик чакиртирганмикан...

Шу тоб отанинг қулоғига таниш бир овоз, аниқроғи қимнингдир сўлгин товуши эшитилди. Ота дарров таниди: бу набираси!

– Қизим?! Қаердасан, Мўбина?!

Ота югурганича эгасиз молхона ёнига борди. Йўл-йўлақай омборхонага ҳам кириб кўрди. Сўнг ховлининг охирига – тош қотган тўнкалар юмалаб ётган жойга бориб хайратдан қотиб қолди. Не кўз билан кўрсинки, бир бурчакда набираси чўзилиб ётар, бир томонида сопи чирик болта...

– Қизим, – югуриб борди ота, – қизим, сенга нима қилди?! Соғмисан, қўл-пўлигини чопмадигини?! Ох қизим-а...

– Бобожон, – инграб жавоб қилди Мўбина. – Кеча бироз чарчаб қолибман, манавиларни ёриб чой қайнатмоқчи эдим, бирдан белим санчиб, йиқилдим. Сиз, хавотир олманг ҳозир ўтиб кетади!

Ота бир амаллаб набирасини турғазди. Сўнг бор кучини тўплади-да, уни ичка-

рига олиб кирди. Етмаганига тиш оғриғи яна кучайиб, тишини-тишига босиб чидади. Кейин ичкари уйдан бир доқа олиб чиқиб уни муздек сувда хўллади-да, набирасининг тер босган пешонасини арта бошлади.

– Жон қизим-а, мени уйғотиб бир оғиз айтсанг бўлмасмиди?! Тўнкалар жуда қаттиқ, майда ўтин қолмадими?! Ўлсин, бир кам дунё бўлмай ўлсин... – зарда қилди ота. Айни чоғда унинг асаби бузилиб, кўзлари пир-пирарди. – Ҳе пул йиғмай ўлсин ўша тўнкага ўхшаган Бокиев! Газ қиламиз деб отнинг пулини халқдан йиғди-да, ҳеч вақо қилмади! Буюрмасин, тешиб чиксин! Номард...

Ота шартта ўрнидан туриб, қўшниси Моҳирнинг уйига чопди. Аксига олиб Моҳир уйда йўқ экан. Қачон келиши номълум. Қишлоқда машинаси бор ягона одам ҳам шу эди. Набирасини марказга – касалхонага олиб бормоқчи эди...

Ота халлослаганича Саломат момоникига чопди. Ҳар ҳолда қишлоқда уч-тўрттасини даволаган, ҳарф таниган кампир эди. Бундай вазиятда нима қилишни яхши билади...

– Мен билмадим, Абдижон! Қизингни аҳволи оғир, зудлик билан шаҳарга олиб бориш керак, – деди беморнинг бошини силаб кўрган кампир. – Қара, ўт бўлиб ёняпти! Вақт кеч бўлмасидан ҳаракатни қил...

– Қандай олиб бораман, мошин йўқ-ку?! – тутқоди ота. Сўнг жағини ушлаб жимиб қолди.

– Улов бўлмаса, «тез ёрдам»... – жимиб қолди момо. – «Тез ёрдам» чақирсакчи?! Момонинг бу гапи Абди отада шубҳа уйғотди. Бир марта бир дўстининг тоби қочганида ўша «тез ёрдам»ни чақиршиганди. Аммо нақд икки соат кеч келиб, дўстидан айрилиб қолишганди...

– Э, бўлмайди, момо! Уларни биласиз, мени сабрим етмайди. Туман касалхонаси эллик чакирим нарида! Етиб келгунича...

– Ҳе, нафасингни исик қил! – уришди момо. – Ҳозир ДАВР бошқа, ҳар қуни телевизорда «медисина»мизни МАҚТАШАДИ. Қуни кеча бизнинг тумани телевизорда кўрсатишди, хм! Ҳамма шароит бор, иним, чакир, тезроқ

чақир уларни! Борсанг-чи!

Момонинг бу гапларидан сўнг Абди отанинг юрагида бир нима пайдо бўлди. Бу нарса УМИДми, ИШОНЧми ёки бошқами билолмади. Айнан мана шу сабаб телефон излаб роса югурса-да чарчамади ота, айнан шу учкун сабаб тиши оғриси-да чидади ота...

Афсуски, орадан бир соат ўтиб отанинг юрагига гўлгула туша бошлади. «Тез ёрдам»га хабар қилгани боя эди. Аммо ҳамон дарак йўқ. Ота бўғилиб кетди. Ичкарида инграб ётган қизининг олдига қиролмади. Зўрға чидади. Тиш оғриғини унутмоқчи бўлиб хонани гир айланаб юрарди. Хаёлида эса нуқул битта гап: «Қачон келади булар?!»

Соат миллари кечки олтиларга яқинлашди. Беморнинг ёнига одам йиғилди. Бир бурчакда дуо ўқиб, қизга дам солаётган Саломат момо, яна бошқа томонда қўшниллар. Абди ота ҳамон жағини ушлаганича бир ерда ўтиролмайди. Кўзлари девордаги соатга қарайвериб оғриб кетди. Қулоғи «чик-чик» товушлардан гаранг бўла ёзди. Аммо «Тез ёрдам»дан ҳамон ДАРАК ЙЎҚ...

– Уфф, келса келақолмайдими, намунача кутирмасан?! – бўғилиб кетди ота.

– Сабр қил, Абдижон, ҳозир келиб қолади. Биласан, йўл узок... – тасалли бера бошлади момо.

– Бобожон, – чинқира бошлади Мўбина, – мен...ёниб кетяпман бобожон, қизиб кетяпман...

– Чида, озгина чида қизим, яна бироз сабр қил! Сен ахир кучлисан-ку?!

– Мендан рози бўлинг... – қалтираб бошлади Мўбина.

Шу тоб телевизордан Саломат момо айтган кўрсатув бошланди. Аммо бу сафар момо индамади. Абди ота қўллари беҳитёр мушт тугилди, шартта бориб телевизорни ўчирди. Бошини чангаллаганича бир нуқтага тикилиб қолди. Кўзларида билинар-билинмай ёш қалқиб турарди...

Бироз ўтиб ҳаммаёқни «бошига» кўтарганича Абди отанинг уйда «Тез ёрдам» пайдо бўлди...

Ҳаёт тотӣ

Бир донишманддан сўрашибди:

– Айтинг-чи, инсоннинг яшашдан мақсади нима?

– Билмайман, – жавоб берибди у.

Ундан яна сўрашибди:

– Ҳаётда инсоннинг яшашидан маъно нима?

– Билмадим.

– Тавба, донишманд одам ҳам ҳаёт ҳақида ҳеч нима билмас-я?!

У жилмайиб дебди:

– Ҳаётда мақсад ва маъно муҳим эмас. Асосийси, унинг тотӣ. Йилло, ҳолва ҳақида ўйлагандан унинг ўзини еган яшироқдир...

Ҳаёт тотӣ

Устози шогирдига қамондан ўқ узишни ўргатмоқда. Шогирд қўлига қамон ва иккита пайкон олиб, отишга ҳозирлик кўра бошлади. Аммо устози битта пайконини олиб четга ташлади. Буни тушунмаган шогирд сўради:

– Устоз, нега иккинчи пайконимни олиб қўйдингиз?

– Иккинчи пайконингнинг эмас, балки биринчисини олиб қўйдим.

У барибир нишонга тегмасди.

– Нега тегмас экан?

– Негаки, ота туриб яна битта имкониятнинг борлиги ҳақида ўларнинг ва биринчисига етарлиқ диққатингни жамламадинг, – деб жавоб берибди устози.

Нурбек ҒАФФОРОВ
тайёрлади.

Олмалик синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси жамоаси замонавий сифатни бошқариш тизимларини кенг миқёсда жорий этиш, биринчи галда экспортёр корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ саноат маҳсулотларини сертификатлаштириш, аҳоли ва тадбиркорлар учун муносиб шарт-шароит ва қатор имкониятлар яратишга эътибор қаратиб келмоқда.

СИФАТЛИ

МАҲСУЛОТНИНГ



Реклама ўринида

Гўзал ва хушманзара гўшаларга бой Тошкент вилоятининг салоҳияти ҳамда имкониятлари бошқа минтақаларга нисбатан анчагина улкан. Айниқса, мазкур ҳудуд кишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, хизмат кўрсатиш, туризм, умуман олганда, барча соҳаларда мислсиз имкониятларга эгаллиги билан тамомла ажралиб туради. Сўнгги йилларда бу ерда кўпгина соҳа ва тармоқларда, аксарият туман ва шаҳарларда оламшумул ўзгаришлар, инсон кўнглини кўтардиган, руҳлантирадиган ободончилик ишлари амалга оширилди. Вилоятдаги Олмалик кон-металлургия комбинати, «Ўзбекистон металлургия комбинати», «Охангирон цемент», «Ангрени кўмир кони» каби йирик ва доврўғи узоқ-узоқларга кетган локомотив ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлган корхоналар мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

ларга қатъий амал қилиб келади. Мазкур жамоа ҳудуддаги қатор сифатни назорат қилиш ташкилотлари билан биргаликда маҳсулотнинг сифати учун маъсул ҳисобланади, десак янгилимаган бўламиз.

ИШБИЛАРМОН ТАДБИРКОРНИНГ ТАДБИРИ

Чиндан ҳам, ҳақиқий маънодаги ишбилармон бўлиш, қаловини топиб, кези келса қорни ҳам ёндириш, ҳар ишда тадбир қўллашнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун инсон ҳаловатидан, оромидан кечишга, тинимсиз елиб-югуришига тўғри келади. Қолаверса, бугунги глобаллашув замонида доим бир қадам бўлса-да илдамроқ юрган инсон нимадир натижага эриша олади.

– Мамлакат иқтисодининг локомотиви ҳисобланган тадбиркорларга қулайлик яратиш, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган

ТАЛАБГОРИ КЎП

ва тадбиркорлар учун қатор имкониятлар яратиш сингари муҳим масалаларни ҳал этиш зарурлиги алоҳида уқтирилади. Шу мақсадда марказимиз ходимлари томонидан шаҳардан олиб ҳудудларда тадбиркорлар билан қайта-қайта учрашувлар ўтказилмоқда. Унда ишбилармонларга зарур ҳуқуқий маслаҳатлар билан кўмаклашиб, соҳада қабул қилинаётган норматив ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти содда ва лўнда тарзда тушунтириб берилмоқда. Ўз ҳуқуқ ва бурчларини ангаб етган тадбиркорлар эса дадиллик билан янгидан-янги ташаббусларга қўл урмоқда. Бугунги кунгача ана шундай кўплаб тадбиркорларнинг муаммо ва ечимини кутаётган масалалари ҳал этилди, истикболли режалар ишлаб чиқилди.

Ерлан Қулманбетовнинг бизга маълум қилишича, йиллар давомида одамлар тинка-ю, мадорини қуришиб келган қатор масаларга ечим топилаётгани аҳоли кўнглини тоғ мисоли кўтарди. Гап шундаки, марказнинг сай-ҳаракати билан Тошкент вилоятининг Охангирон, Ўртачирчик, Пискент туманлари ҳамда Нурафшон, Ангрени, шаҳарларида истикомат қилувчи аҳоли, тадбиркор ва фермер хўжаликлари Олмалик шаҳрига келиб сув, газ, электр ҳисоблагичларини қиёсладан, яъни стандартдан ўтказиб кетган бўлсалар, эндиликда аҳолига сифатли ва тез хизмат кўрсатиш мақсадида ушбу ҳудудларнинг ўзида шохобчалар ташкил этилди. Натижада фуқаролар ортиқча чиким ва оврагарчиликдан халос бўлди. Қолаверса, қиёслов ишлари учун бир-икки кун кифоя қилмоқда экан. Бу ҳол мамлакатимиз ривожига ўз мекхати билан муносиб улуш қўшаётган инсонларни беҳад мамнун этмоқда.

ЭСКИНИ ЯМАЙМАН ДЕБ...

Иссиқ жоннинг иситмаси бор, дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, бу гапда чуқур маъно бор. Дейлик, ҳеч қутилмаганда бирор жойингиз оғриб, шифохонага тушиб қолдингиз. Ана шунда дастлаб жонингизга

у ердаги тиббиёт ускуналари оро қиради. Негаки, ушбу мосламалар кўмағида сизни безовта қилган дардга аниқ ташхис қўйилади. Қолаверса, аниқ ташхисга кўп нарса боғлиқ. То шу пайтга қадар носоз ва айрим нуқсонли бор тиббиёт ускуналаридан фойдаланиб келинди. Мазкур ускуналар эса аҳолининг турли хил эътирозларига сабаб бўлиб келаётган эди. Аниқроқ айтганда, ускунада ташхис турли хил бўлиб, беморда иккиларни ҳолатини юзага келтирарди. Аҳолининг ана шу ҳақли талаби инobatга олиниб, 2018 йил 15 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг «Тиббиётда қўлланиладиган лаборатория ва диагностика ускуналарининг метрологик назоратини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори қабул қилинди. Бунгача очиги, Олмалик шаҳри ҳамда бошқа ҳудудлардаги аксарият тиббиёт мосламалари базалари кўп вақтдан бери қиёсладан ўтказилмасдан қолиб келарди.

– Ана шу талаб инobatга олиниб, марказ томонидан 36 миллион сўмга намунавий метрологик светофильтрлар харид қилинди, – дейди Олмалик синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонасининг метрология бўлими бошлиғи Аъзамжон Файзиев. – Ҳозирги кунда мазкур мослама кўмағида мавжуд тиббиёт муассасаларидаги биокимёвий анализлар бемаълум қиёсладанмоқда. Бундан кейин ҳам мавжуд тиббиёт муассасаларини тиббиёт мосламалари билан таъминлаш жадаллик билан давом эттирилади. Мисол учун, жорий йилдаги режага кўра марказни метрологик салоҳиятини ошириш учун 130 миллион сўмлик 1200 С° даражагача бўлган вилоятдаги барча харорат ўлчаш воситаларини қиёслайдиган мосламалар келтирилади. Назаримда, тиббиёт муассасаларидаги янги мосламалар аҳолининг мушқулини осон қилишга кўмаклашади.

Маълумки, регламентларни ҳаётимизда тутган мавқеи салмоқли. Давлатимиз ҳам бу масалада сезиларли вазиғаларни адо этмоқда. Жумла-

да, ҳукуватимиз томонидан тасдиқланган 2010-2013 ва 2014-2018 йилларга мўлжалланган дастурга мувофиқ 48 та умумий техник регламентлар ва 14 та махсус техник регламентлар ишлаб чиқилиб, тасдиқлангани кўзда тутилади. Айни кунга қадар мамлакатда йигирмата умумий ва саккизта махсус техник регламентлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар амалиётга жорий этилмоқда. Ўз-ўзидан равшанки, яқин йиллар ичида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатларнинг амалиётга тадбиқ этилиши фуқаролар соғлиғи ва ҳаётида, атроф-муҳит муҳофазаси ва иқтисодиётимизни мустаҳкамлашда, маҳсулот ва хизматлар хавфсизлигини таъминлашда салмоқли ўрин тутаяди.

ЭКСПОРТ – БИЗНЕС КЕЛАЖАГИ

Минтақада барча турдаги маҳсулотлар экспортини ошириш мақсадида халқаро стандартларни корхоналарда босқичма-босқич жорий этилишига доимий кўмак кўрсатилмоқда. Бу эса хорижлик сармоядорлардан тортиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳам бирдек қувонтиради.

Олмалик синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси матбот котиби Турдиали Норматовнинг айтишича, халқаро стандартларни корхоналарга жорий этиш ишлари бир дақиқа бўлсада тўхтагани йўқ. Ҳудудларда мунтазам равишда сайёр қабуллар уюштирилмоқда. Тадбиркорларнинг метрология ҳамда стандартлаштириш билан боғлиқ кўплаб муаммолари ҳал этилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Олмалик синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси жамоаси исъёмолчининг ҳақли ва ўринли талабини қондириш, сифатсиз ва халқаро талабларга мос келмайдиган товарларнинг бозорларимизга кириб келишининг олдини олиш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Зеро, сифатли маҳсулотга талаб доим юқори бўлади.

Луғбек ЖУМАЕВ,
«Оила даврасида» мухбири



Олмаликка етиб боргунга қадар масофада, яъни йўлнинг ҳар икки ёқасида бир-бирдан файзли, оромижон боғлару, бир учи уфқларга қадар чўзилиб кетган ям-яшил экинзорлар кўп учрайди. Энг муҳими, шарбатга тўла боғу узумзорларимиз меваси аста-секинлик билан бўлса-да хорижга экспорт қилинмоқда. Шу билан биргаликда, хорижлик сармоядорлар иштирокида ташкил этилган, айни паллада гурқираб ишлаб турган корхоналар сони ҳам кўпаяётгани қувонарлидир. Ана шундай юқори қувват билан ишлаётган корхоналар сафи Олмаликка ҳам анча кенгайиб бораётгани бежиз эмас. Зотан, мазкур жараёнда маҳсулотнинг пишиқ ва пухталлиги, чидамлилиги ҳамда экологик тоза ва жохон стандарт талабларига жавоб бериши каби муҳим мезонлар сезиларли аҳамият касб этади.

Олмалик синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонасининг катта тажрибага эга мутахассислари юқоридаги сингари қатор мезон ва талаб-

маҳсулотларни ҳамда корхоналарда жорий этилган сифат тизимларини халқаро стандартларга мувофиқ равишда сертификатлаштиришда кўрсатилаётган хизматларнинг халқаро тан олиннишини таъминлаш ва буни доимий тарзда назорат остига олиш бугунги куннинг долзарб вазиғаси ҳисобланади, – дейди Олмалик синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси директори Ерлан ҚУЛМАНБЕТОВ. – Негаки, мазкур масала Ўзбекистон Президентининг 2017-йил 20 апрелдаги «Ўзстандарт» агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги муҳим қарориди ҳам ўз аксини топган. Янгича талаб ва мақсадларни олдимизга қўндаланг қўйган мазкур муҳим ҳужжатда вилоятдаги корхоналарда замонавий сифатни бошқариш тизимларини кенг миқёсда жорий этиш, биринчи галда, экспортёр корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ саноат маҳсулотларини сертификатлаштириш, аҳоли

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ОРАЛАБ...



Chori Latipov

14 - 9

Кампирлар ёнғоқ қоқди

Кўчамиздаги ҳеч кимники ҳисоланмайдиган уч-тўрт туп ёнғоқ бу йил ҳам серхосил бўлди. Кампирлар ўз насибасини териш учун бир-бирдан вақтлироқ уйғонишади. Айби йўқ, биринчи бўлиб ерга энгашгани кечаси билан тўкилган, бунинг устига қарғалар юлиб олиб чақиш учун асфальтга ташлаган ёнғоқларни қарғалар билан талашиб-талашиб терса, бир килоча ёнғоқ бўлади. Биров текинга берармиди буни шу замонда. Қилоси фалон сўм бўлса бозорда.

Аммо ҳафтанинг баъзи кунлари тўкилган ёнғоқнинг баракаси бўлмайди. Кампирлар ҳайрон. Ҳатто қарғалар ҳам бу сирни билмайди. Билмай балки бу оламдан ҳам ўтиб кетишар. Чунки улар газета ўқишмайди, қачон газета чиқисини билишмайди.

Газета чиққан тонгда, яъни соат уч-тўртларда мен ишдан қайтаман...

Чори ЛАТИПОВ



Fozil Farhod

10 - 4 - 9

Мудроқ юракларни уйғотган дуэл

Шеърят ўлмапти. Ўлмас ҳам экан. Адабиётнинг қисмати ҳам шу, аслида. Шеър ўқилганда тирик экан, азизлар! Бугун бўлган шеърят дуэлида шу хулосага келдим. Шодмонкул Салом билан Носиржон Жўраев навбатма-навбат шеър ўқияпти. Асарларнинг бир жойлари борки, юракнинг қат-қатигача етиб боради-ю, тингловчилар «дод» деб юборади. Шодмонкул Саломнинг ўшатишларини қаранг: «Дунё бир тоғара чўғ, шунга исинасанми?», «Худойимнинг қизил китобига киритилган», «Одам баъзан таҳоратсиз ибодатдир».

Носир Жўраевнинг куз, мухаббат ҳақидаги шеърлари қанча олқишларга муносиб кўрилди. Тингловчилар тирик сатрлар ўқилганда увиллаб юборишяпти. Худди, футбол ишқибозлари каби. Бу-ку Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 208-аудиторияси. Воқеа агар «Пахтакор» ё «Миллий» стадионида бўлганида ҳам бундан кам олқиш, таъсирланиш бўлмасди. Балки аудиторияни кенгайтириш керакдир.

Шоир йигит Шахриёр Шавкат билан дуэллаган Нозима Хабибуллаеванинг ташбеҳини ўқинг: «Одамлар тентак деб ўйлашса, мазза!» Ушбу сатрга томошабин реакция билдирди: ҳайкирик, олқиш! Бетховеннинг 14-сонатасини чалаётган дардчил қизгина ҳақидаги шеърини айтмайсизми? Ҳаммага ёқди. Менга ҳам. Шоира пианинонинг оқ-қора клавишларини чалаётган бармоқларини сув устида сузиб юрган ўнта оқшуга ўхшатади.

Ҳакам сифатида иштирок этган Нодир Жонзук: «Бу дуэл ўлдирмайди, бу тирилтирадиган дуэл», деди. Чиндан, бу қотиб қолган дийдаларни бўшатирадиган дуэл бўлди. Музлаб қолган юракларни эритадиган дуэл бўлди. Қонни қайнатадиган дуэл бўлди.

Ташкилотчилар – Мехринос Аббосова, Шоҳрух Нажотта алоҳида раҳмат! Барча ёшларга руҳи янгиланаётган Ёшлар иттифоқи муборак бўлсин!

Адабиёт ўлмайди, дўстлар! У, айниқса, дийдаси қотиб бораётган бутунги инсоният учун жуда зарур! Бунинг учун мана шундай шеърят дуэллари ташкил этинг! Бунда қалблар ўлмасин, бунда қалблар тирилсин! Одамзоднинг келгуси тақдирини тирик юраклар кутқарди!

Fozil FARHOD

ЖАВОҲИР

МЎЛЖАЛ

Кўксимни тўлдирган беҳуда ҳислар.
Дунёнинг ортида юзурган қадам.
Ортимдан сўзлайди қолдирган излар.
– Қачон одамдайин яшайсан одам?

Тўхтаيمان, ҳайратим уради тугён.
Кўзларим олдидан онлар ўтади.
Яшашни ўрганмоқ керак зудликда.
Бу шарафлар ўтар, онлар ўтади.

Тўйиб нафас олгум, хотиржам, бардам.
Тишим синганига қилмам эътибор.
Мен ахир соғломман, яхшиман, кўркам.
Белим оғриғи ҳам умримга ағёр.

Йўқ, йўқ чалғимайман яшаш давомли.
Ризқ берган, сочилган, теришим керак.
Менинг боболарим тоғ ўли ахир.
Камида юз ёшга киришим керак.

Нуриддин ЗИЁ

ПАЗАНДАЛИК

Нокли пирог



Масалликлар: 2 дона тухум, 1 стакан шакар, 1 стакан сут, ярим стакан салат ёғи, 1 пачка (10 гр.) юмшатувчи (разрыхлитель), 2 стакан ун, 1 дона нок ва 4-5 дона бодом.

Тайёрланиши: Тухумни яхшилаб кўпиртирамиз, сут ва салат ёғини солаемиз. Кейин шакар (таъбимизга қараб солсак бўлади) ва юмшатгич қўшиб, яхшилаб аралаштираемиз. Керагича ун солиб, куюкрок семастанага ўхшаш хамир тайёрлаймиз. Қолипни ёғлаб, тайёрлаган масаллигимизни солаемиз ва нокни паррак қилиб кесиб, устига териб чиқамиз ва майдаланган бодом сепамиз. Газ печини 180 даражага қўйиб, пишириб олаемиз. Ёқимли иштаҳа!

Олмали шарбат



Зарур масалликлар: 3-4 та олма, 150 грамм шакар, 2-3 та ялғиз барги.

Безак учун: қаймоқли музқаймоқ, 100 грамм майдаланган ёнғоқ.

Тайёрланиши: Олмалар пўстидан арчиб, майда тўртбурчак шаклида тўғралади. Қуруқ товага тўғралган меваларни солиб, оловга қўйилади. Шарбати ажралгач, олов пасайтирилади. Алоҳида товада шакарни эритиб, қиёми ажралгач, олма бўлаклари солинган товага қўшиб, енгил аралаштирилади. 5-10 дақиқадан сўнг оловдан олиш мумкин.

Десерт тайёр бўлгач, ликопчага пиширик учун мўлжалланган кичик қолипни қўйиб, ичига 2 ош қошиқдан қиёмли олма солинади. Қолипни аста олганда мева шакли юмалоқ кўринишга келади. Сўнг устидан музқаймоқни қўйиб, музлатгичга қўйилади. Дастурхонга тортишда музқаймоқ устидан майдаланган ёнғоқ бўлаклари сепиш мумкин.

Тайёрланиш вақти: 30 дақиқа.

ИНТЕЛЛЕКТ

Қуроллар нега безатилган?

Император Юлий Цезар ўз қўшинларига қалқон ва қиличларини қимматбахо нарсалар билан безатишни буюрган экан.

Диққат савол: Юлий Цезар нима сабабдан шундай қилган?

Жавоблар келгуси ҳафтанинг сешанба куни соат 15:00 гача қабул қилинади.

Электрон манзил: info@od-press.uz

Телефон: 0 (371) 234-91-82

Telegram: (+99897) 444-80-84

Газетамизнинг 2019 йил 12 сентябрь 38-сонида берилган саволнинг жавоби: она тилсоҳлар болаларини сувга оғзида олиб боради.

ТАБАССУМ 😊😊😊

«Тежамкор»

Бешинчи қаватда яшайдиган зикна одам ўғлига туфли олиб бериб дебди:

– Зинадан чиқишда битта зина ташлаб чиққин, шунда туфлинг орадаги зинага тегмай ишқаланиш камроқ бўлиб узокроқ чидайд.

Ўғли чиқиб кетиб бир оздан кейин шими йиртиқ кириб келибди. Бунга кўриб зикнанинг жони чиққудай бўлиб:

– Шимингга нима бўлди?

– Туфлим янама кўпрокка чидасин деб зинадан икки зина ташлаб чиқувдим, – дермиш.

«Жонкуяр»

Талабалар ётоқхонасидаги суҳбатдан:

– Хонадошимни нонга юборган эдим, чорраҳадан ўтаётиб, машина туртиб кетибди. Қасалхонада эмиш.

– Вой, ўлмасам! Сен нима қилдинг?

– Нима қилардим, оч ўтирмайман-ку. Нонлож шўрвани нонсиз ичдим.

Қўқорнинг айби

Хотин эрига деди:

– Азизим, эртага турмуш қурганимизга 25 йил тўлади. Шу муносабат билан қўй сўйсақ бўлармиди?

– Бўлмаган гапни гапирма! Қўйнинг нима айби бор бу ишда?

КАРИКАТУРА



Маълумот: ШОИРЖОН АБДУРАХИМОВ

МУАССИСЛАР:

Фукараларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши;
Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабанд»; «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази.

Газета тахририят компютеризда терилди ва сақланган.

Газетада интернет материалларини ҳам фойдаланган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарқ» нашриёт-маъбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шавкат Жавлонов, Қудратилла Рафиқов, Коммуна Ирисбекова, Дилором Тошмухамедова, Ином Мажидов, Элмира Боситхонова, Алишер Саъдуллаев, Мизроб Бўронов, Муродулло Холмухамедов, Муҳаммаджон Қуроно

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, 100000. Амр Темур 1-тор кўчаси, 2-уй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Буғуртма: Г-937 Обуна индекси – 193

ISSN 2181-6190

Алдди: 2 885 нуска

Нарҳи: йилушу асосда.

Қўғоқ бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилган.

Чоп этишга топширилди: 19:00

